

Миссис Форестернинг “Ахиллес хайкали” номли илк детектив асари чоп этилганда у 57 ёшни коралаган, бир катор асарлари билан кўзга кўриниб колганди. Авваллари унинг ўзига хос истеъдоди ўқувчилар назарига тушмаган, бу эса унинг китоблари сотилмаслиги сабабли эди. Лекин танкидчилар Форестернинг янги асарини мактаб кўкларга кўтаришди.

Ижод билан бирга бу аёл сиёсатда ҳам кучини синаш ва хатто парламентга чиқиш фикридан ҳам холи эмасди. У хар шанба кунги зиёфатида кўпчилик катнашишини истарди. Базмларга факат бир киши, яъни эри Алберт Форестернинг хуши бўлмасди, холос. Кўпчилик уни зикналиги боис зиёфатларга иштиёки йўк деб хисобларди. Форестер хонимнинг унга кандай турмушга чиккани ҳам жумбок эди. Албертнинг марка йигишга мойиллишни сезган таниш-билишлар унга “Филателист” деб лакаб кўйишганди. Алберт каттагина бойликка эга бизнесмен эди. Ўзи гамгин, маъюс юрса-да, гохо худа-бекуда сўзлаб колар, эгнидан охори тўкилган кийимлар тушмасди. Бирок хотини бунга мутлако эътибор бермас, аксинча унга меҳрибон, ўрни келганда эрини менсимаганларни изза киларди. Миссис Форестернинг хаётини тубдан ўзгартирган воқеа йил охиридаги зиёфатда содир бўлди. Ўша куни стол атрофида бу аёл барчани огзига каратган эди, бутун вужуди билан тинглаётган меҳмонлар факатгана савол бериш мавруди келгандагана нотикнинг сўзини бўлишарди. Зиёфат кизигандан кизиб борарди. Кутилмаганда шовкин-сурон кўтарилди.

— Нима бўлди, Картер? — деб сўради миссис Форестер оксоч аёлдан. — Уй кулаб тушмадимми мабодо?

— Кечирасиз, хоним, янги ошпаз жомадони билан кираётиб кокилиб кетди.

— Янга ошпаз деганинг нимаси?

— Миссис Булфинч бугун ишга чиккани йўк.

— Жаноб Форестернинг хабари борми? — сўради хоним гўёки бу ишга эри масъулият билан караши лозимдек.

— Жаноб Форестер чикиб кетганлар. Мана бу хатни етказишимни айтди, — дея букланган когозни узатди оксоч.

Хат мазмуни миссис Форестер кайфиятини аста-секинлик билан ўзгартира бошлади. Унинг юз ифодасидан Албертдан бутунлай ажралганлигани укиб олиш мушкул эмасди. Форестер хоним ўкиб бўлгач, хатни гижимлаганча йиглаб юборди:

— Кандай нохаклик! Кандай дахшат!

— Нима бўлди? Тинчликми? — сўради хамкасби жаноб Симмонс.

— Олиб ўкинг, — деди хоним гижимланган когозни узатаркан.

Жаноб Симмонс кўзойнагани такиб ўқишга киришди: “Азизим, миссис Булфинч ишини ўзгартирганлиги ва усиз ёлғиз кололмаслигим боис бирга кетишга карор килдим. Бундай хаётдан сабр-косам тўлган. Миссис Булфинчни никох кизиктирмайди, ажрашишни истасанг, кайтадан оила килишга карши эмас. Унинг жойига янги ошпаз ёлладим. У билан тил топишасан деган умиддаман. Биз Кенингтон-роуддаги 41-уйдамиз.

Алберт”

Узок давом этган сукунатни жавоб Симмонс бузди:

— Бу нима килик?

— Бу кандай хўрлик! Чидаёлмайман, — бакирди Форестер хоним кўллари билан юзини яширганча. Вазиятни тушуниб турган жаноб Симмонс вазминлик билан насихат

килди:

— Агар осуда хаётни маъкул кўрсангиз, унинг олдига боришдан ўзга чорангиз йўк.  
— Уни деб мен ошпаз билан уриша олмайман, ахир, — жахл билан гапирди Форестер хоним.

— Аслзода аёллари сизга зиён етказмайди. Бирок бундай аёллар адои тамом кшиди сизни, — тушунтиришга ҳаракат килди Симмонс.

— Бугунги ишни эртага кўймасдан боришингиз керак, — кўллаб қувватлади меҳмонлардан бири.

— Хўш, бир қарорга келдингизми?

Миссис Форестер бироз ўйланиб турди, кўллари мушт бўлиб тугилди, сўнгра жавоб берди:

— Хону монимдан кечаманми, обрўсиз бўламанми, барибир, унинг олдига бормасдан кўймайман.

Миссис Форестер эртасига йўлга чикканида кун чошгоҳдан ошганди. Жаноб Симмонснинг саъй-ҳаракати зое кетмади, у тез фурсатда манзилни топиб берди.

Кўнгирок чалингандан сўнг пешвоз чиккан аёлни у таниган эди.

— Салом, Булфинч. Ахволларингиз тузукми? — хол-ахвол сўради ўзини бардам ва мардона тутган миссис Форестер. — Хўжайинингиз уйдаими?

Бекасини кўриб, гаранг ахволда туриб қолган Булфинч саломлашгандан кейингина ўзига келиб, меҳмонни ичкарига таклиф килди:

— Келинг, хоним, кираверинг... Алберт, миссис Форестер келдилар, — хабар берди у кенг хонага бош сукиб Форестер хоним уйга кирганда Алберт камин олдида, курсида газета ўқиш билан банд эди.

— Ахволлар қандай, азизим, — сўрашди у эски кадрдонларча газетани четта иргитиб.

— Афт-ангорингдан чакки эмас, — кўзини узмай хулоса чикарди жаноб Форестер жавобни ҳам кутмасдан.

— Марҳамат ўтиринг, хоним. — жой кўрсатди Булфинч.

— Мен холи гаплашсак дегандим, Алберт, — дея максadini баён килди меҳмон.

— Бунинг иложи йўк, — деди Алберт бош чайкаб.

— Начора, унда шундай гаплашаверамиз,. — розилик билдирди миссис Форестер.

— Хўш, азизим, кулогим сенда.

Форестер хоним вазминлик билан гап бошлади:

— Алберт, бу одатдаги хазилларингдан бири бўлса керак. Уйга кайтсанг дегандим.

— Вактни бекорга сарфляяпсан. Мени энди ҳеч нарса сен билан яшашга мажбур қила олмайди.

— Мен билан бахтли эмасмидинг? — сўради миссис Форестер юраги қалкиб.

— 33 йил дурустгина яшадик. Маълум маънода сен ўзинга хос эдинг, аммо менга эмас, Сен ижодқорсан, мен эса йўк.

— Лекин мен ҳар доим иш билан овунмаганман, сени ҳам кизиктиришга ҳаракат килганман. Бир зум ҳам эътиборимдан четда қолмагансан.

— Тўгри. Хаётимнинг бир текислигига балки ўзим айбдорман. Бирок бундай хаёт, умуман барчаси жонимга теккан. Мени бир нарса кизиктиради. Шу меҳмонларингнинг еб-ичишдан бўлак кўлларида бирор иш келармикан?

— Бу нима деганинг, Алберт? — суҳбатга аралашди Булфинч.

— Булфинч ишдан бўшашимни илтимос қилапти, давом этди Алберт авзойини

бузмай. — Ҳамкасбларим билан маслаҳатлашдим. Хал қиламиз дейишди. Даромадим 900

паунд бўлса, учаламизга йилига 300 паунддан тушади, — дея хисоб-китоб килди у.

— Бу пулга канда яшаб бўлади? — сўради лаблари титраган миссис Форестер.

— Сенинг каламинг бор, — эслатди Форестер мулойимлик билан.

— Китобларим даромад келтирмаётгани аён-ку сенга, — кошларини чимирди аёл.

— Детектив хикоялар яратиб кўринг-чи, — таклиф киритди ошпаз аёл тўсатдан. Форестер хоним бехосдан айтилган гапни кулгига олди ва хитоб билан деди:

— Менми? Бу ақлга сигмайди. Бундай хикоялар билан одамлар талабини кондириб бўларканми? Ўзи детективга карамаган инсонман.

— Ёмон фикрмас, — тасдиқлади Алберт.

— Детективлар жону-дилим. Кутубхонада тунги кўйлақда хушдан кетган аёл хакидаги сюжетни ўқисам хикояни кандай тугатганимни сезмай қолам, — энтикиб гапирди Булфинч хоним вужудида ажиб бир енгиллик хис этиб.

— Мен эса Хайд-паркда тилло соатли жентельманнинг ўлик ётишини афзал кўрам. Бундай воқеа жиддий эътибор уйғотади, — деди Алберт кизишиб.

— У муҳим сирни билган. Котиллар унга оғзидан гулламаслик шарти билан омон колдиришни ваъда берганлар.

— У душманларидан кочишга улгурмаган, — лўнда килиб яқун ясади Форестер хоним.

— Сен яхшигина детективлар яратишинг мумкин, далда берди Алберт уни ижодга чорлаб. — Кўлимдан ўтмаган детективлар бўлмаса керак.

— Сенинг-а? — кўзлари чакнаб, хайратда сўради Форестер хоним.

— Мана шу нарса миссис Булфинч билан иккимизни боғлади. Ўқиб бўлган китобларни унга бермадим. Бир-бирига ўхшашларини тополмайсан. Солиштирсанг, ўзига хос бўлган фазилатни топасан, — паст, осуда товушда гапирди жаноб Форестер.

— Орамиздаги тафовутни энди англадим, — деди миссис Форестер овози калтираб ва изтироб билан бош чайкаб. — 30 йилдан буён адабиётдан панох излаган экансан-да.

— Тўгри англабсан. Детектив хакида ўйлаб кўр.

Булфинч хоним мехмонни кузатаркан, ундан таксида кетиш-кетмаслигини сўради.

— Трамвайга чикаман, — жавоб берди хоним.

— Миссис Форестер, сиз жанобдан хавотирланманг. Рўзгорни бинойидай эплейман. Ўзингиз биласиз, ойдаи ошпазман...

Миссис Форестер оғиз очишга чоғланганда, бекатга трамвай келиб тўхтади ва у чикиб олди.

Вактни сўраш учун у ёнига ўгирилди-ю, тилло соатли, салобатли кишига кўзи тушди. Бу Хайд-паркда ўлиб ётган, Алберт тасвирлаган киши эди. У кондуктордан тўхташни илтимос килди ва тушиб, кичик, коронгу кўчага кириб кетди. Нима учун? Хайд-паркда тушиш фикри Форестер хонимнинг миясига яшиндек бир куч билан урилди. У Ахиллес хайкалидан бироз ўтгач, тўхтади, хайкалга разм солди.

Юраги хаддан зиёд тез урарди.

Эдгар Аллан По детективлари мана шу тарика дунёга келгандир.

Уйга келгач, залдаги бир неча шляпаларга кўзи тушди. Хамма жамулжам эди. Хоним кўксини тўлдириб нафас олди ва мехмонхонага аста кирди.

— Анча куттирганим учун узр. Чой ичдиларингизми?

— Биздан ташвишланманг.

— Мен муҳим бир янгилик айтмокчиман. Энди детектив хикоялар ёзишга киришмокчиман.

Мехмонлар бу гапдан хангу-манг бўлиб қолишди.

- Детективни адабиёт чўккисига кўтараман. Илк хикоямни “Ахиллес хайкали” деб номлайман.
- Алберт нима бўлди?
- Уми? У бутунлай ёдимдан кўтарилибди.
- Уни кўрдингизми?
- Келинлар, Албертни ўз холига куяйлик. Хозир уни ўйлайдиган вақт эмас. Мен детектив хикоя ёзмокчиман, — такрорлади баланд руҳда яна Форестер хоним.
- Сиз жудаям ажойиб аёлсиз! — макташди меҳмонлар унинг соз кайфиятидан мамнун бўлиб.

**Инглиз тилидан Хулкар Мухаммедова таржимаси.  
«Ёшлик» журнали, 2001 йил, 5-6-сон**